



QAROR

№ 292-к

2008 йил "07" УЮН

*Ишлаб чиқариш цехини кенгайтириш  
ҳамда ривожлантириш мақсадида ер  
майdonи ажратиш тугрисида*

Каттақургон шаҳар «Парацелиус» хусусий корхонаси раҳбарини 2008 йил 5 майдаги 28 сонли розилик хати ва Каттақургон туман «Дуст Ишбеков» фермер хужалиги раисини 2008 йил 5 майдаги № 09/05 сонли хатларини, шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттақургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тугрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва шаҳарсозлик кодексларига асосан

**Қ А Р О Р    К И Л А М А Н :**

1. Каттақургон шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттақургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тугрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттақургон шаҳар «Парацелиус» хусусий корхонаси раҳбарини 2008 йил 5 майдаги 28 сонли розилик хати ва Каттақургон туман «Дуст Ишбеков» фермер хужалиги раисини 2008 йил 5 майдаги № 09/05 сонли хатларини инобатга олиб Зарифобод кучасида жойлашган «Парацелиус» хусусий корхонасига қарашли савдо мажмуасининг орқа ва ён тарафидаги 981,74 кв.метрдан иборат ер майдонига фермер хужалигига тегишли ишлаб чиқариш цехини кенгайтириш учун ажратиб берилсин.

3. Қурилиш ишларини амалга оширишни бугунги кун Архитектура ва қурилиш конун талабларига риоя қилган ҳолда вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиха смета ҳужжатлари асосида амалга ошириш «Дуст Ишбеков» фермер хужалиги раиси Т.Ишбеков зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида ишлаб чиқариш цехи қурилиши ҳамда атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор уз кучини йукотди деб ҳисоблансин.

5. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун Архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиха асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш ҳамда шаҳар «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастри» хизмати бўлимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

Ф.Зайнуддинов.